

ОТА ЮРТ МЕҲРИ

Ота маконим, она қишлоғимни эсласам, ҳали-ҳануз энти-киб кетаман. Тошкентга келганимизда ҳар куни ота-онамни ҳоли-жонига қўймай, қишлоққа кетайлик, деяверардим. Сабаби, Рапқон қишлоғидаги онамнинг онаси — Рузибувининг паст айвонли уйи, мевали дарахтларга бой ҳовлиси, сурига кўрпачалар тушалган боғида опам, акам, синглим билан уйнаб-қулиб, кенгликларда яйраб-яшнаб ўсган дамларимиз ёдимга тушаверарди.

Айниқса, кенг далаларда қўй-қўзилар боққанимиз, болалар билан «Қувламачоқ», «Оқ теракми, қўқ терак?», «Туптош» каби ўйинларимизни ҳозир ҳам соғинаман. Ўйимиздан тара-либ турадиган қаймоққа қилинган тотли шўрванинг иси ди-моғимдан кетмайди. Бувижоним тандиридан янги узган қўқ сомсалар таъмини, дугоналарим билан ҳовуздаги зилол сувда тандирдан узилган иссиқ нонларни окизоқ қилиб еганлари-мизни унутолмайман. Укам Фарҳод илк бор қишлоққа борга-нида, сигирни ҳайратланиб томоша қилганини, кенг ҳовлида югуриб уйнаб, мазза қилганини эслайман. Ўша дамлардаги ширин хотираларим худди кино тасмасидай кўз олдимдан ўтаверади...

Ҳадеб хархаша қилаверсам, Отам: «Нодира қизим, (дадам-нинг исмимдаги «и» ҳарфини чузиб айтишлари қулогимга хуш ёқарди) сизларни яхши мактабларда ўқисин, олий маъ-лумот олсин, келажакда етук инсонлар бўлиб вояга етсин, деб шаҳарга олиб келганмиз», дердилар.

Менинг эса кўнглим қишлоқда қолган эди, кенг пахтазор-даги гўза гулларига қўнган тонгги шўдрингнинг дурдек тов-ланиши кўз ўнгимдан кетмасди. Болаликдаги ширин хотира-ларни унутиб бўлмас экан...

Поездда узок йўл босиб, ҳали қуриб битказилмаган шаҳар-

даги ҳовлимизга келганимиз, шу жойни обод қилиб, кенг ва шишам уй қурганимиз, катталарга лой ишларида ёрдамлашган пайтларимиз ҳам энди ширин хотира бўлиб қолди.

Атрофимиздаги хонадонларга ҳали кўпчилик кўчиб келмагани боис, ўзим тенги дугоналар тополмай, зерикардим. Кейинчалик Акмал, Солиҳ, Йўлдош, Потихкамол, Аҳад, Хайриддин, Темур ака каби қўшниларимизнинг қизлари билан қадрдон дугона бўлиб қолдим.

Бир куни ота-онам бизни шаҳарни айлантиргани олиб чиқишди. Шаҳар қишлоғимизга сира ўхшамас эди. Кўп қаватли иморатлар, кенг кўчалар, сўлим боғлар, айниқса, хиёбонлар менга жуда ёқиб қолди. Ота-онам ҳам бизни айнан шу мақсадда шаҳарни айлантиришганини кейинчалик тушуниб етдим.

Биз Чорсу бозорига бордик. Бозорда ўйинчоқлар, қўғирчоқлар шунчалик кўп эдики, уларга боқиб тўймасдим. «Шунча ўйинчокни қим ясади экан?», дея ҳайратлангандим ўшанда. Онамга: «Қўғирчоқ олиб беринг», деб яна хархаша қила бошладим. Кутилмаганда отам: «Қизим, китоб обертсам-чи, нима дейсан?», деб қолдилар.

Аммо, бола кўнглимни огритмай дейишди чоғи, менга қўғирчоқ олиб беришди. Лекин ўшанда отамнинг «китоб олиб бертсам-чи», деган гаплари қулогимда қолган эканми, китобга бир умр меҳр қўйдим. Ҳозир ҳам қаерда яхши китоб борлигини эшитсам, сотиб олишга ҳаракат қиламан. Отамнинг муъжазгина кутубхонасидан нафақат биз, балки кўни-қўшниларимиз, шогирдлари ҳам фойдаланишар эди. Бу жараён ҳали-ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Ўқувчилик давримизда дарсларни ўзлаштиришимизни назорат қилиш отамнинг зиммасида эди. Уйга берилган вазифаларимизни ҳеч эринмай бирма-бир текширардилар. Шунданми, опам, акам, укам, синглим — барчамиз мактабда аълочи эдик. Отам опам ва акамга нисбатан мен билан кўпроқ шугулланардилар.

Эсимда, ўша пайтларда синфдан-синфга ўтиш учун имтихон топишар эдик. Мен ҳамма фанлардан аъло баҳога ўқиганим учун имтихонлардан озод бўлардим. Таътил бошланди, дегунча, «қанот чиқариб» кишлокка - бувижонимнинг уйига «учардим». Янги ўқув йили бошлангунча кишлокда мазза қилиб дам олардим. Аъло ўқишимнинг яна бир сабаби ҳам шу эди-да!..

Кишлогимиздаги Фуркат номли 26-мактабимиз ҳовлиси, атрофи ўрикзор эди. Бир йили кишлокка келганимда Ҳусан амаким билан мактаб олдида ўта туриб, кўзим чамандек гуллаган ўрик дарахтига тушди. Оқ, кизгиш рангли гуллар ифори борликни тутганди. Ўшанда мактабимиз тепасидаги осмон гулчамбар тақиб олгандек кўринганди кўзимга. Бир муддат тек туриб қолибман чоғи, амаким: «Нодира, юрмайсанми?», деганида, уларга худди осмондан тушгандай, ҳайрон бўлиб қарабман. Сўнг бошимни хиёл эгганча амакимга эргашибман. Бу воқеани ҳали-ҳали эслаб, қулишамиз...

Дарҳақиқат, бу гўзаллик қаршисида ҳар ким, боз устига, у сўз кишиси бўлса, ҳайратда қолиши тайин. Шу боис бўлса керак, отам қирк йилдирки, яқин дўсти Омонулла Мадасов билан «Ўрик гули» сайлига борардилар. Тугилиб ўсган юртимизга, она табиатга бўлган меҳримиз ўша пайтларда қалбларимизда куртак отган бўлса, ажабмас. Аллоҳга шукроналар айтаманки, шаҳарда яшасам-да, икки қаватли кўттежнинг атрофидаги майдончага қўшниларимиз эккан, мен севган мевали дарахтлардан: олча, беҳи, анжир, ёнғок, олма, гилос дарахтлари ҳар йили шохини эгиб ҳосил беради. Айниқса, пастки қаватдаги қўшнимнинг ўрик дарахти гуллаганда, ажиб гўзалликка тикилиб, беихтиёр кишлокдаги 26-мактаб ҳовлисида юргандай бўламан.

Саёҳатни яхши кўришимни билган отам талабалик давримда вилоятлик курсдош дўгоналаримизникига боришимга рухсат берарди. Фарғона, Маргилон, Шохимардон, Наманган, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, айниқса, гўзал Ўшнинг хушманзара жойларида кўп бора бўлганман.

Отам: «Мусофирмиз, кўшнилари нихоятда ҳурмат қилишимиз керак», дер эдилар. Нозимахоним 5-тор кўчасидаги қирқта хонадонда яшовчи кўшниларимиз билан худди яқин қариндошлардай аҳилликда яшаймиз.

Мени китобга дўст тутинтирган инсон отам эканлиги ҳақида кўп мақолалар ёзганман, отажоним бизга эртақлар айтиб берганини бот-бот эслайман. Бор эканда, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, чум-чук чакимчи экан...» дея бошланадиган ўзбек халқ эртақларидан тортиб, жаҳон халқлари эртақларигача ўқиб бсрардилар. Шу аснода дунёда қандай мамлакатлар борлигини билиб олганмиз. Отам бизга айтиб берган ҳар бир эртагининг мазмунини сўрардилар. Шунинг учун ҳам отам сўзлаган «Тоҳир ва Зухра», «Ойпарча», «Рустам» достону эртақларини диққат билан тинглардик.

Бора-бора халқ достонларини катта қизиқиш билан ўқий бошладик. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларини, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор асарлари, Худойберди Тўхтабоевнинг қиссаларини, «Ғунча», «Гулхан», «Ёш куч», «Муштум», «Шарқ юлдузи» каби журналлару, «Тонг юлдузи» каби қўлаб журнал ва газеталарни ссвиб мутолаа қилишимизда отажонимнинг ўрни бсқийс бўлган. Китобга, мутолаага бўлган меҳрни отамиздан ўрганганмиз.

Рус тилини ўрганмокчи бўлганимда русча-ўзбекча лугатни қўлимга тутказиб, «ундаги сўзларни ёд ол», деганлар. Илк бор ўрганганларимни синовдан ўтказган ҳам отам бўлганлар.

Онам яхши ўқишимиз учун қундалиқ рўзгор юмушларидан-да бизни озод қилардилар. Қўнгли очик, меҳрибон, меҳнатқаш, саришта аёл эди. Ун саккиз ёшида ўзи суйган инсон — отам билан турмуш қурган онам ҳам фарзанд тарбиялаб, ҳам қолхозда ишлаб, пахта терганлар. Отангизнинг раъйига қараб, қишлоқдаги ишимни, яқинларимни, онамни ташлаб шаҳарга қелганман деб айтардилар. Онам «Ҳурмат белгиси» ордени соҳибаси эди. Умрининг охиригача отам

рухсати билангина тую хашамларга, қариндош-уруғларини куришга борарди. Рухсат тегмаса, ховлимизни обод қилиб утирарди.

Ота-онам беш нафар фарзандни ўқитиб, элнинг корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. Уларга 15 неvara, 20 дан зиёд чеваранинг севимли бувижони ва бобоси бўлиш насиб этди. Бунинг учун Аллоҳга минг бора шукроналар айтамыз.

Энг муҳими, биз ота-онамиздан ҳар бир ишни мақсадли қилишни ўргандик. Ҳали ҳам мақсадли ўқиш, мақсадли саёҳат, мақсадли ҳордик, мақсадли меҳнат қилиш, бефойда сўзни сўзламаслик одатимиз.

Падари бузрукворим — Ёрмат ака Тожиев ўзбек тилини ниҳоятда кадрлардилар. Ойнаи жаҳонда ёки матбуотда чиқиш қилганда тилимизнинг нуфузи, мавқеини ошириш, таълим, тарбия масалалари ҳақида қуюниб гапирардилар. Тил ва нутқ маданияти ҳақида қўплаб мақолалар ёзганлар. Биз фарзандларга ҳам муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишимизни, ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллашни, катталар гапирганда эътиборли бўлишни, ҳар бир айтилган гап тингловчи учун аҳамиятли бўлишини, бемақсад сўзлайвермасликни қўп такрорлардилар. Шунингдек, «Ҳар бир аччиқ айтилган сўзда бир мисқол заҳар бўлади», деган ўзларининг доно фикрларини такрорлашни яхши қўрардилар.

Отанинг ажойиб одатлари бор эди. Дўстлари, шогирдлари бирор мавзуда фикр сурашса, билсалар айтардилар, билмасалар, «Билмадим» дердилар. Биз фарзандлару невараларга эса, «Эй шунақа эканми?», дея тан олиб: «Қани гапиринг-чи, менга ҳам ўргатинг-чи?», деб бизларни диққат билан тинглардилар.

Отам тилимизни асраб-авайлаш, жамиятдаги ўзгаришлар, ислохотлар ҳақида қўп мақолалар ёздилар. «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш», «Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш»-

га доир кўплаб мақолалари «Фаровон юрт» газетасида чоп этилганди.

Айниқса, тут дарахтини кўпайтириш, ипак қурти боқишни йўлга қўйишга оид қимматли фикрлари, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга доир мақолалари муштарийлар томондан алоҳида эътироф этилди. Ибн Синонинг беш томлик «Тиб қонунлари» китобини кўп бора ўқир эдилар. Бетоб кишини қўрсалар, касалликка оид тавсиялар берардилар. Энг сўнгги мақолалари ҳам тиббиётдаги ислохотлар ҳақида эди... Ўшбу тиббиётга оид қимматли фикрлари жамланган мақолаларини илтимос билан сўралган жойга топширдик. Улардан, отамнинг фикрлари албатта, инобатга олинишига оид жавоб хатини ҳам олдик.

Отам бизга ҳар соҳада ўрнак эдилар. Ҳозир ҳам оиламизда отамнинг ўрни шундоқ билиниб туради. Бир дастурхон атрофида ўтирсак-да, отамизнинг кўзига тик қарашга уялардик. Отамиз оиламиз бошлиғи бўлишидан ташқари, бизга меҳрибон устоз, самимий дўст, дилкаш суҳбатдош, ибратли олим, яқин маслаҳатгўйимиз, энг асосийси, камтарин инсон эдилар. Зеро, Ҳазрат Навоий ёзганларидек:

*Олим агар қатъий амал айласа,
Илмига шойиста амал айласа,
Они шараф гавҳарининг қони бил.
Гавҳару қон, ҳар не десанг, уни бил...*

Яъни, буюк бобокалонимиз, олим киши ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, илмига муносиб иш қўрсатса, уни улуглик гавҳарининг қони, деб бил ва ҳар қанча улугласанг оз, деб бежиз таъкидламаган.

Бизнинг эл орасида танилишимизда отажонимиз ва онажонимизнинг чексиз меҳнатлари бор. Отамдек кўнгли осмон, онамдек меҳри дарё инсонларнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Шу аснода ҳамқишлоғимиз - Фаргона вилояти,

**Бешарик туманидаги янгиқишлоқлик шоир Абдусаттор
Ғафуровнинг шеъри беихтиёр ёдимга тушади:**

ТИЛ ЯШАСИН ҚОНИНГДА

Тили бойнинг ўзи бой,
Тундан қора кўз-қоши.
Курсатар тенгсиз чирой,
Дер эди, Ёрмат Тожи.

Нур сочгил қургонингга,
Қуш кўнсин айвонингга.
Тил яшасин қонингда.
Дер эди, Ёрмат Тожи.

Бошингда тут отангни,
Ардоқлагил онангни,
Ғанимат бил ҳар дамни,
Дер эди, Ёрмат Тожи.

Олим бўлу, одам бўл,
Меҳри тенгсиз олам бўл,
Эл қалбига малҳам бўл,
Дер эди, Ёрмат Тожи.

Нуринг сочгил қуёшдек,
Ироданг бўлсин тошдек,
Юртда сабр бардошдек,
Дер эди, Ёрмат Тожи.

Эзгуликни қилгил аҳд,
Меҳнат-ла топарсан тахт,
Яшаш эрур катта бахт,
Дер эди, Ёрмат Тожи.

Отам – Тожимат ота ўгли Ёрмуҳаммаднинг, онам – Қодирполвон кизи Дилбархоннинг рухлари шод, охиратлари обод бўлсин! Аллоҳ икки дунё саодатини насиб этсин, Иншааллоҳ!

*Нодира НАЗАРОВА,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий
уюшмаси аъзоси, «Тонг юлдузи»
газетаси бўлим муҳаррири*

«МЕНИНГ ШИРИН АРМОНЛАРИМ БОР»

*Дадам кукламини – айниқса ўриклар қийғос гуллаган
паллани беҳад яхши кўрадilar.*

2022-йил... Баҳор фасли келди. Ҳовлимиздаги 3 туп ўрик қийғос гуллади. Лекин минг афсуски, бу йилги ўрик гули, дадажонимга насиб қилмади. Қиш фасли бўлса-да, қуёш чараклаб турган кунда бизни тарк этдилар. Охиратлари обод бўлсин. Мен ҳаётим давомида инсонларнинг яшаш тарзига, ўтган умрига ҳавас қилганларни, шундай инсонларга ўхшашни истаганларни кўрганман ва эшитганман. Лекин инсонларнинг ўлимига ҳавас қилганларни ҳеч эшитмагандим. Дадамнинг жанозасига келган ҳар бир инсон уларнинг ўлимига ҳавас қилишди, улардай енгил, елдек келиб, селдай ўлим топганларига, во ажабо ...

Шанба куни кадрдонлари, ҳам кишлоклари, мактабдошлари, тақдирни қарангки, олдинма-кетин бир даргоҳда Миллий университетнинг филология факультетида таълим олган, аспирантура, докторантурага, тасодифми ёки яратганнынг эҳсоними Тошкентдек шаҳри азимнинг бир маҳалласида макон топишган адабиётшунос олим Умарали Норматов оламдан